Подшивка 2011. № 1-52 I-XII

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'ZLIDEP · TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

2011 йил 1 январь, шанба

01 (373)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

## КЕЛГУСИ ЙИЛДА МЕН БАРЧАМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИМИЗНИ ШУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИМИЗНИНГ САМАРАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ УЧУН ҲАР ҚАЙСИМИЗ ЎЗ ЖОЙИМИЗДА БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШДА ДЕБ БИЛАМАН ВА СИЗ АЗИЗЛАРНИНГ БАРЧАНГИЗНИ ШУНГА ДАЪВАТ ЭТАМАН.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**
**ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!**
**МАНА ШУ ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАРДА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ АТРОФИДА ЖАМУЛЖАМ БЎЛИБ ЎТИРГАН СИЗ АЗИЗЛАРНИ, БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ БИЛАН ЮРТИМИЗГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ – 2011 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТИШ ВА ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМНИ БИЛДИРИШДАН БАХТИЁРМАН**

Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўтиб бораётган йил давомида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, қувонч ва ташвишларни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қимматини яна бир бор англашимиз табиий, албатта.

Якунига етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз 2010 йил мобайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.

Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ хўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг яққол тасдиғини аввало Ўзбекистонимизнинг дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида кўриш мумкин.

Айниқса, якунланаётган йилда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилгани, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

2010 йил — Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг кўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажагимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришга албатта ҳақлидир.

2 ▸▸




Маркс ЮСУПОВ коллажи

## ✓ АНОНС

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти томонидан уюштирилаётган тўғридан-тўғри мулоқотда иштирок этинг.

» 03

### ЭНДИ ТОМОШАБИНЛИК ҚИММАТГА ТУШАДИ

Вилоятда **15** мингдан зиед кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг **4** мингтас фаолият юритмаяпти.

» 04



### ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ЙИЛНОМАСИ

Баркамол авлод йилида болажонларимиз учун **71** та спорт иншооти, **26** та сув ҳавзаси ҳамда **46** та мусиқа ва санъат мактаблари — жами **143** та объект барпо этилиб, ушбу мақсадларга қарийб **97** млрд. сўм йўналтирилди.

» 12

# *Беғубор қалблар қувончи*

**МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ БОЛАЛАРНИНГ КУВОНЧ ВА ШОДЛИК БАЙРАМИ — АНЪАНАВИЙ «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ**

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ушбу тантаналарнинг дастлабки тадбирлари бўлиб ўтди. “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирга юртимиздаги барча Меҳрибонлик уйи ва махсус мактабларнинг тарбияланувчилари, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Мамлакатимизда миллати, жисмоний ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар, барча ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, уларнинг пухта таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шарт-шароитни яратиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишини ташкил этади. Бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Якунига етаётган Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами ҳар қачонгидан кенгайди. Таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактабларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ташкил этиш, тарбиячи-педагоглар меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Ота-она меҳридан бебаҳра, жисмоний имконияти чекланган болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, ўз қизиқиши ва интилиши бўйича касб-ҳунарга йўналтириш, жамиятга фаол ижтимоий-психологик мослашувига яқиндан кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2 ▸▸



Солиҳ ЗОИР олган сурат

# *Самимий қутловлар*

**Янги — 2011 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва компанияларнинг бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини йўллашда давом этмоқдалар. Уларда давлатимиз раҳбарига ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик, тинчлик ва фаровонлик, соғлик ва саломатлик, амалга оширилаётган ишларда улкан ютуқ ҳамда омадлар тилаб, эзгу ниятлар изҳор этилган.**

Жумладан, қуйидагилар Янги йил қутловларини йўллашган:

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**;

Люксембург Буюк Герцоги **Анри**;

Кувайт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Янги Зеландия Генерал-губернатори **Ананд Сатьянанд**;

Монголия Президенти **Ц.Элбегдорж**;

Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар ал-Асад**;

КХДР Давлат мудофаа қўмитаси раиси **Ким Чен Ир**;

МДҲ Ижроия қўмитаси Раиси **С.Лебедев**;

ОДКБ Бош котиби **Н.Бордюжа**;

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) Бош директори **Жак Диуф**;

НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен;

Япония Демократик партияси Бош котиби, Парламент вакиллар палатаси аъзоси **Кацуя Окада**;

Васеда Университети Президенти **Каору Камата**;

Москва Давлат Университети ректори, академик **В.Саловничий**.

***Байрам табриклари келиши давом этмоқда.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2010 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари ↑ 1645,58 | 1 АҚШ доллари ↑ 1640,00 | 1 Хитой юани ↑ 247,49 | 1 Туркия лираси ↑ 1063,21 | 1 Япония иенаси ↑ 197,83 | |
| 1 Англия фунт стерлинги ↑ 2554,46 | 1 Миср фунти ↓ 282,61 | 1 Малайзия ринггити ↑ 530,23 | 1 Швейцария франки ↑ 1707,09 | 1 Россия рубли ↑ 53,63 | |
| 1 Дания кронаси ↓ 288,93 | 1 Исландия кронаси ↑ 14,07 | 1 Польша злотийси ↑ 543,64 | 1 ЕВРО ↓ 2165,13 | 1 Украина гривнаси ↑ 205,94 | |
| 1 БАА дирҳами ↑ 446,56 | 1 Канада доллари ↑ 1627,79 | 1 СДР ↓ 2508,25 | 1 Жанубий Корея вони ↑ 14,26 | | |

@ ЯНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАРНИНГ ТЎЛИК МАТНИ БИЛАН ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ТАНИШИНГ: WWW.21ASR.UZ

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Бугун мана шундай шукуҳли айёмда заҳматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга — мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун эски йил билан хайрлашар эканмиз, барчамиз "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном олган янги — 2011 йилни қут-баракали, омадли ва файзли, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни юксак поғонага кўтаришда янги бир босқич бўлади, деб катта орзу-умидлар билан кутиб олишимиз табиийдир.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб, аҳолимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу борада соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини сезиларли даражада ошириб, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратиш белгилангани эл-юртимизнинг байрам олди кайфиятини янада кўтаради, деб ўйлайман.

Бундай режалар ҳаммамизни қувонтиради, албатта, лекин бу марраларни қўлга киритишнинг асосий шартлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яккаю ягона шарти бу — жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислоҳотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2011 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## Болаларга қувонч улашиб...

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ**

**Акрамжон САТТОРОВ, ЎзА мухбири**

Байрам тантанасига Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногирон болалар, ички ишлар ва мудофаа тизимида хизмат вазифасини ўтаётган чоғида ҳалок бўлган фидойи инсонларнинг ўғил-қизлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Байрам қатнашчилари учун вилоят мусиқали драма ва комедия театри ҳамда болалар бадиий жамоалари тайёрлаган байрам томошаси намойиш этилди. Болаларга Президент совғалари топширилди. Қувончдан кўзлари порлаб турган болаларнинг севимли эртак қаҳрамонлари билан биргаликдаги шўх-шодон рақслари байрамга ўзгача завқ-шавқ бахш этди.

— Биз жаннатмонанд юрт фарзандларимиз, — дейди 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Фотима Ортиқова. — Президентимиз томонидан ёшларга чексиз ғамхўрлик кўрсатилаётганини Меҳрибонлик уйимизда яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда қалби дарё инсонларнинг меҳр-муруввати, эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб, худди ота-она бағрида яшаётгандек улғаймоқдамиз. Янги йил совғалари учун Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

## Масъулиятни ҳис этиб

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ 27 ЯНВАРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР» НОМЛИ ДАСТУРИЙ МАЪРУЗАСИ 2010 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАСИ БЎЛДИ, АЛБАТТА**

**Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, O`ziDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси**

Ушбу дастурий маърузадаги парламент фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтиришга оид вазифалар доирасида Олий Мажлис қуйи палатаси томонидан 40 дан ортиқ қонун лойиҳаси, 20 га яқин назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Ушбу жараёнда бевосита O`zLiDeP фракцияси аъзолари иштирокида тадбиркорлик субъектларига янги имтиёзлар беришни назарда тутувчи 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Фракция ташаббуси билан 4 та парламант эшитуви ташкил этилиб, уларда партия электоратини ўйлантираётган муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» эса ўтган йилдаги яна бир муҳим ва, таъбир жоиз бўлса, тарихий воқеа бўлди.

Унда белгилаб берилган устувор вазифалар "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг тўлақонли ижроси таъминланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Концепциядан ўрин олган 17 та янги қонун, 7 та амалдаги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш, шунингдек, 19 та амалдаги қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан берилган таклифлар O`zLiDeP мақсадларига ҳамоҳанг ҳамда партия электорати фаолияти билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ушбу ташаббус ва таклифлар қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги соҳасида кенг миқёсли ишлар олиб боришимизни тақозо этади. Агар яқин тарихимизга назар ташласак, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан бундан 10 йил аввал ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи ишлаб чиқарилгани, 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич қарийб 53 фоизни ташкил этганини кўрамиз.

Мустақиллик йилларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича уч босқичли дастур амалга оширилгани, соҳани тартибга солувчи 400 дан ортиқ қонун ҳужжати яратилгани ҳам Ўзбекистонни том маънодаги мулкдорлар мамлакатига айлантирди, дейиш мумкин.

Юртбошимизнинг ўтган йилнинг 7 декабридаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир" мавзуидаги дастурий маърузасида эса яна бир карра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид амалий таклиф ва вазифалар белгилаб берилди.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дея эълон қилиниши эса биз учун том маънодаги имтиҳон йили бўлишини англатади. Бу O`zLiDeP Дастурида белгиланган ғоя ва мақсадларни амалга оширишга қўшимча имконият яратиш баробарида партиянинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди, албатта.

Шу ўринда 2010 йилда Инқирозга қарши чоралар дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланганини таъкидлаш жоиз. Бунда асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари ва фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, улар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига қишлоқ ҳудудларда янги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари ташкил этишга қаратилди.

Шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўсиб келаётган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидори ва амалий салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган тадбирларда ҳам сафдошларимиз фаол иштирок этдилар. Хусусан, ҳудудий партия кенгашлари ва O`zLiDeP фаоллари томонидан "Диплом билан — бизнесга" лойиҳаси доирасида Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини шу соҳага жалб этишга доир қатор тадбирлар уюштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, меҳнат фаолиятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишининг бугунги кунда аҳоли катта қисми учун нафақат даромад манбаи, балки мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига ҳам айланиб бориши ўрта синф қатламини буткул янги босқичга олиб чиқиши табиий, албатта. Бу эса ушбу мулкдорлар қатлами олдида турган ҳаётий масалаларни тўлиқ бартараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда. энг аввало, қишлоқ жойлардаги аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорлик ва кичик бизнесга жалб этиш учун етарли шароит ҳамда имтиёзлар яратиш лозимлигини англатади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда эса 2011 йилда биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор. Бу айниқса Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга O`zLiDeP ва унинг электорати учун катта бир масъулиятдир. Шу нуқтаи назардан ўз фаолиятимизни янги босқич талаблари даражасида қайта кўриб чиқишимиз ва янада кучайтиришимиз зарур.

Жумладан, мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи тамойилининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашуви қонунчиликни янада такомиллаштириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини англатади.

Айни пайтда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш партиянинг барча ҳудудий тузилмалари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилашга кўмак беради.

Бир сўз билан айтганда, 2010 йилда Юртбошимиз томонидан кейинги ўнйилликларга мўлжалланган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шу маънода амалдаги Ҳаракат дастуримиз ва режаларга, мафкуравий кўрсатмаларга Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳаётий заруратга айланмоқда.

Мазкур жараёнда партия фракцияси аъзолари эшитувлар амалиётини жонлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса O`zLiDePнинг парламентдаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилади, албатта. Шунингдек, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳузурида турли фанлар соҳасидаги миллий экспертларни жалб этган ҳолда "Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш таҳлилий маркази"ни ташкил этиш ҳам келгуси фаолиятимизда яхши самара бериши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугун барчамиз эл-юрт манфаати, Ватан равнақи ва келажаги йўлида бир ёқадан бош чиқариб, бор куч ва имкониятларимизни сарфарбар эта олсак, шубҳасиз, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида белгилаб олинган юксак мақсадларга эришамиз.

Имкониятдан фойдаланиб, янги йилда барча юртдошларимизни, хусусан, партиямиз электорати бўлган тадбиркор, ишбилармон ва фермерларни янги режалару янги интилишлар ҳамда қўлга киритилажак янги муваффақиятлар билан қутлаб, янги йилда зиммамизга ўн чандон юқори масъулият юкланаётганини таъкидламоқчиман.



## Беғубор қалблар қувончи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, уй-жой билан таъминланиши, бир сўз билан айтганда, келгусида ҳаётини йўлга қўйишига яқиндан кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлиги янада ортди. Бу жараёнда алоҳида эҳтиёжга муҳтож ва тақдири мураккаб болаларнинг жисмоний, маънавий, психологик, интеллектуал ривожланишини тўғри шакллантириш борасида янги педагогик усуллар жорий этилмоқда.

— 2010 йилда Меҳрибонлик уйимиз тубдан таъмирланди, — дейди Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Гулнора Қурбонбоева. — Тўққизинчи синфни тамомлаган ўсмир ёшлар ўрта махсус, касб-ҳунар билим масканларида ўқишни давом эттирмоқда. Айни пайтда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиб, улар турар-жойлар билан таъминланмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалдаги самараларидир.

— «Президент арчаси» тадбирида илк бор иштирок этдим, — дейди 31-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси 11 ёшли Динара Аҳмадулина. — Бу ердаги қизиқарли тадбирлар жуда мароқли ва қувноқ тарзда ўтди. Ажойиб совғаларни олиб, жуда хурсанд бўлдик. Шундай ажойиб байрам ва совғалар учун Президентимиздан жуда миннатдормиз.

...Ясатилган улкан арча атрофида куй-қўшиқлар янгради. Болалар Қорбобо ва Қорқизга жўр бўлиб ашулалар айтди, рақсга тушди. Янги йил, қиш фаслининг завқи ҳақида тез айтиш, мақол ва шеърлар ўқишди. Тантанада қатнашган барча кичкинтойларга Президент совғалари топширилди.

Байрам тадбирида болалар бадиий жамоалари, эстрада ва цирк санъати усталари ижросидаги "Яхшивойнинг Янги йил саргузаштлари" мавзуидаги театрлаштирилган мусиқий спектакль намойиш этилди.

«Президент арчаси» байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.




# Депутатлар журналистлар ҳузурида

**27 ДЕКАБРЬ КУНИ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ» МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Ўз мухбиримиз

Қуйи палата фаолиятида биринчи маротаба ташкил этилган ушбу тадбир қўмитанинг 2010 йилги фаолиятига бағишланиб, унда асосий эътибор Юртбошимизнинг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаси ҳамда 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида парламент фаолиятининг устувор йўналишлари юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимларига атрофлича маълумотлар берилди.

— Қўмита 2010 йил давомида 3 та қонун лойиҳаси, шу жумладан, 2 та янги қонун, 1 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳаларини палата муҳокамасига киритди, — деди қўмита раиси Илҳом Насриев. — Жумладан, «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш объектларига йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий талабларни «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро қонунчилик талаблари, шу жумладан, Бутундунё савдо ташкилоти келишувларига уйғунлаштиришдан иборат.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши айрим қонун нормаларини бирхиллаштиришни назарда тутади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги қарорига мувофиқ 2010-2013 йиллар учун жами 27 техник регламент ишлаб чиқиш дастури тасдиқланган. Қонунда эса айнан техник регламент талабларига риоя қилинишининг мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Бироқ қонунчиликда фақат стандартлар, санитария, ветеринария ва фитосанитария нормалари ҳамда қоидаларининг талаблари мажбурийлиги белгиланган, холос. Шундан келиб чиқиб ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни билан мувофиқлаштириш мақсадида айрим қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоиловнинг қайд этишича, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси 2010 йил давомида қонунларнинг жойлардаги ижроси ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ҳам амалга оширди. Жумладан, ўтган бир йил мобайнида 9 та назорат-таҳлил тадбири, 1 та парламент сўрови, 1 та парламент эшитуви, 5 та давра суҳбати, 3 та конференция ва 5 та семинар ўтказилди.

Айниқса, қўмита томонидан ўтказилган «Автомобилсозлик соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тизимда бозор муносабатларини шакллантириш» мавзуидаги парламент эшитувида «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан бу борада олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолати атрофлича кўриб чиқилди. Унда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сифати, эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш жараёнлари, шунингдек, дилерлик марказларининг фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Қўмитанинг «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури» бажарилишининг бориши тўғрисида»ги парламент эшитувида эса Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва Савдо, Иқтисодиёт ҳамда Молия вазирликлари ахборотлари эшитилди. Парламент эшитувининг мақсади ана шу муҳим дастурга киритилган ривожланишнинг мажбурий ва инвестиция лойиҳалари сўзсиз бажарилишини таъминловчи қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришдан иборат эди.

Бундан ташқари, қўмита тарихга айланаётган 2010 йилда Шаҳарсозлик кодексининг Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятидаги, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси, «Бухоро вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари», шунингдек, «Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни ўрганиш» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ҳам ўтказди.

Матбуот конференциясида қўмита аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар. «Халқ сўзи» газетаси мухбири Зиёда Ашурованинг фикрича, парламент фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишда, айниқса, депутатлар фаоллигига кўп нарса боғлиқ. Чунки матбуотда эълон қилинган мақоладан биринчи галда уларнинг ўзлари манфаатдордирлар. Аммо баъзи ҳолларда айрим депутатлар 15-20 қоғозлик ҳисоботларни таҳририятга юбориб, журналистлардан мақола тайёрлашни талаб этишларини тушуниш қийин. Шу маънода парламент фаолиятини ёритишда ҳар иккала томоннинг ҳам ҳамжиҳатликда ишлаши мақсадга мувофиқдир.

НТТ канали мухбири Дилфуза Эсонова эса парламентда ўтказилаётган тадбирлар вақтини маълум бир тизимга солиш лозимлигини таъкидлади. Айрим ҳолларда фракциялар ва қўмиталар томонидан ўтказиладиган мажлисларнинг бир вақтга тўғри келаётгани журналистлар учун қийинчиликлар туғдирмоқда.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси мухбири Қ.Сайдалиев таъкидлашича, Юртбошимизнинг 27 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан сўнг Олий Мажлис фаолиятида ҳам, унинг ишини ёритувчи оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам жонланиш рўй берди. Хусусан, Қонунчилик палатаси томонидан парламент сўровлари ҳамда парламент эшитувлари ўтказиш йўлга қўйилди. Ана шу муҳим тадбирларда кўтарилаётган долзарб масалаларнинг натижаларини ОАВда эълон қилиш эса янада яхши самара бериши мумкин. Хусусан, ОАВда «Парламент эшитувидан сўнг» деб номланган янги рукнни ташкил этиш парламент фаолияти билан янада кенгроқ танишиш имконини берган бўларди.

Анжуманда ана шу каби тадбирларни мунтазам ўтказиш парламент фаолиятининг самарадорлигини ошириш баробарида кенг жамоатчиликка ахборотлар етказишда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛАЁТГАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МУЛОҚОТДА ИШТИРОК ЭТИНГ

**Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси жорий йилда ўрта қатлам вакилларини қизиқтираётган масалалар хусусида мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойнинг охирги жума куни 19.00 да тўғридан-тўғри мулоқот уюштиришга қарор қилди.**

**Қадрли тадбиркор ва ишбилармон юртдошлар!**

**Сиз қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса ходимларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалақит бераётган айрим муаммолар бўйича мурожаат қилиш имконига эга бўласиз!**

**ЯНВАРЬ**

**«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА МИКРОКРЕДИТЛАР»**



Улуғбек МУСТАФОЕВ, Марказий банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

**ФЕВРАЛЬ**

**«O`ZLIDEP ЯНГИ ЙИЛДА ҚАНДАЙ ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАМОҚДА»**



Бахтиёр ЯКУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O`zLiDeP фракцияси раҳбари

**МАРТ**

**«МЕДИАБИЗНЕС: БОЗОР ШАРОИТИДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**



Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

**АПРЕЛЬ**

**«ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЎРТА ҚАТЛАМ РИВОЖИНИНГ КАФОЛАТИДИР»**



Бахтиёр ИМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси

**МАЙ**

**«КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ»**



Алишер ШАЙХОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси

**ИЮНЬ**

**«ЭРКИН ТАДБИРКОР – ЭРКИН ЖАМИЯТ БУНЁДКОРИ»**



Қиёмиддин НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори

***Тўғри, юқорида номлари қайд этилган мутасадди идоралар вакиллари, таниқли иқтисодчилар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасидаги вазифалар қанчалар масъулиятли эканини яхши биламиз. Аммо, умид қиламизки, улар таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига доир ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.***

***Қўшимча маълумот учун телефонлар: 281-42-08, 281-40-17, 215-63-80.***

***Электрон почта axborotXXIasr@yahoo.com***

# Кичик бизнесга катта эътибор

**2010 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ УЛУШИ 53 ФОИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАЁТГАНИ 1991 ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ 1,5 ФОИЗ, 2000 ЙИЛДА 31, ЎТГАН ЙИЛИ ЭСА 50,1 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ ЯНА БИР КАРРА ЎРТА ҚАТЛАМ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНИНИ КЎРСАТМОҚДА. ШУНИ ҲАМ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, ЎЗБЕКИСТОН БУ БОРАДА МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ОРАСИДА БИРИНЧИ, РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЭСА УЧИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ ТУРИБДИ**



**Баҳодир ҒОЙИБНАЗАРОВ,**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети корпоратив бошқарув кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

Таҳлиллар хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатаяпти. Масалан, унинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши 2009 йилда 14,6 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 6,7 фоизга кўпайди. 2010 йилда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 1723,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилиб, уларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик, тўқимачилик, электротехника маҳсулотлари ва халқ амалий санъати буюмлари ташкил этди.

Бу тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратиб берилганидан далолатдир.

Молиявий муассасалар томонидан соҳага ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили кичик бизнес корхоналарига берилган жами 1851,7 млрд. сўм миқдоридаги кредитнинг 322,1 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил қилди. Умуман, тижорат банклари томонидан ажратилган маблағлар натижасида 2010 йилда 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларида яратилди.

Мамлакатимизда 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки орқали фаолият кўрсатаётган «Микрокредитбанк» эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маблағ билан таъминлашда асосий оғирликни ўз зиммасига олмоқда, дейиш мумкин.

Янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базаси ҳам икки баробар оширилиб, имтиёзлар муддати, яъни айланма маблағларни тўлдириш учун йўналтириладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 18 ойга узайтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган йилда бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш уларнинг экспортбоп, рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқаришлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратилишига мустаҳкам замин яратилди.

## ХИВАНИНГ «ISUZU»ЛАРИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ БИР НЕЧА ТУМАНЛАРИ АҲОЛИСИ ЯНГИ ЙИЛДА САМАРҚАНДДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «ISUZU» АВТОБУСЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНАДИГАН БЎЛДИ**

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги матбуот хизматидан хабар қилинишича, юмшоқ ўриндиқли 6 та автобус тадбиркор Х.Аллаберганов раҳбарлигида фаолият кўрсатувчи «Мирзабек Авто» МЧЖ томонидан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Хива туман бўлими томонидан ажратилган кредит ҳисобига сотиб олинган. Корхона мазкур банкдан уч йил муддатга 380 миллион 700 минг сўм олганини инобатга олсак, ҳар бир автобуснинг нархи 63 миллион 450 минг сўмни ташкил этганини билиб олиш қийин эмас.

Эътиборли томони шундаки, «Мирзабек Авто» МЧЖ янги «Isuzu»ларни Хива-Хазорасп шаҳарлараро йўналишига қўйишни режалаштирмоқда. Бу эса мазкур автобуслар хизматидан нафақат хиваликлар, балки Хонқа, Боғот ва Хазорасп туманида яшовчи йўловчилар ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, деганидир.



# Вазир қўмитада ҳисоб берди

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИДА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЗАФАР РЎЗИЕВНИНГ ФЕРМЕРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАМЛАКАТ АГРАР СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ДОИР ДАСТУРЛАРНИНГ ИЖРОСИ ХУСУСИДАГИ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ**

Ҳосил КАРИМОВ

Тарбирда истиқлол йиллари аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар натижалари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилгани алоҳида эътироф этилди. Айниқса, 1989 йили мамлакатда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, юртдошларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 1,5 миллион оилага томорқа учун ер ажратилгани, 10 миллиондан ортиқ қишлоқ аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий муаммосини ҳал этиш имкони берилгани мулкчилик асослари яратилишига хизмат қилган эди.

Пахта экиладиган майдонлар 1,3-1,4 миллион гектарга камайтирилиб, ғалла майдонлари 1,3 миллион гектарга етказилгани, натижада пахтадан бўшаган ерларда боғ ва узумзорлар барпо этилиб, сабзавот, полиз ва чорва озуқаси экинлари экишга эътибор ортгани, ғалла мустақиллигига эришиш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берган эди ўшанда.

— Айни пайтда соҳани янада ривожлантиришнинг истиқболли дастури асосида иш олиб борилмоқда, — дейди қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зафар Рўзиев. — Хусусан, мулкий муносабатлар, хўжалик юритиш шакллари ҳамда ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, навларни ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чорвачилик комплексини ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ жойларда сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари юзасидан ҳам жиддий изланишлар олиб борилмоқда.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, янги йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида соҳада банд бўлган аҳолини бошқа тармоқларга жалб этиш ҳам ижобий самара бериши мумкин.

— Юртбошимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисида ва Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, O`zLiDeP фракцияси аъзолари аграр соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга киришдилар, — деди Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев. — Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласида мутасадди ташкилотлар масъулиятини ошириш, тупроқ ҳолати мониторингини мунтазам юритиш, экин майдонларидан унумли фойдаланишга қаратилган дастурларни амалга оширишда ҳам давлат органлари вазифаларига оид ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлаш ҳам долзарб вазифалар сирасига киради.

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида: «...кейинчалик улар (фермер хўжаликлари) турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо этилади», — деб белгиланган. Ваҳоланки, амалдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунда бу тўғрисида тегишли ҳуқуқий норма мавжуд бўлсада, лекин уни амалга ошириш механизми ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Фермер билан ёлланма ишчилар, жумладан, унинг оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ шартномаларга асосланади. Аммо амалиётда фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари такомилига етказилмаган. Ана шундан келиб чиқиб, қўмитада фаолият юритаётган O`zLiDeP фракцияси аъзолари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга бир қатор ўзгартишлар киритиш устида жиддий иш олиб бормоқдалар.

Парламент эшитувида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда O`zLiDeP фракциясининг лойиҳаларини тайёрлаш ишларини янги йилда янада жадаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

### «ТУ-154» «ПЕНСИЯ»ГА ЧИКДИ



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб IOSAнинг халқаро эксплуатация хавфсизлик стандартларига мос келмай қолган «Ту-154» русумли самолётлар хизматидан воз кечишини маълум қилди.

МАК матбуот хизматидан олинган хабарга кўра, шу кунгача компаниянинг Самарқанд-Москва, Фарғона-Самарқанд-Қозон, Тошкент-Самара, Тошкент-Уфа, Андижон-Москва, Нукус-Москва, Тошкент-Сочи, Урганч-Минеральние воды, Наманган-Новосибирск, Андижон-Красноярск каби йўналишларда қатнаган «Ту-154» самолётлари ўрнини «А-320», «Боинг-757» ва «RJ-85» русумли замонавий ҳаво лайнерлари эгаллайди.

# Энди томошабинлик қимматга тушади

**ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА O`ZLIDEP САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбири

Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий муаммолар илмий-тадқиқот институти директори, профессор Бахтиёр Хўжаёров Юртбошимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар хусусида сўз юритди. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Амрилло Аҳмедов эса халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда партиядан сайланган депутатлар иштироки ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

— Вилоятдаги 15 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 4 мингтаси фаолият юритмаяпти, — деди ўз сўзида Амрилло Аҳмедов. — Гуруҳимиз ушбу ҳолат сабабларини ўрганиб чиқиб, ўз таклифларини вилоят ҳокимлигига юборишга тайёрламоқда. Бундан ташқари, депутатларимиздан иборат тарғибот гуруҳи сессияда кўтарилган масалаларни кенг жамоатчиликка етказишга ҳам киришди.

Кенгайтирилган қўшма йиғилишда, шунингдек, Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Саидаҳмад Усминов, Халқ депутатлари Пастдарғом туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Қулмирза Қаршиев ҳам сўзга чиқиб, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида партия аъзолари зиммасига катта масъулият ва вазифалар юкланаётгани, бу муҳим ишга вилоятдаги 19 минг нафардан зиёд O`zLiDeP аъзоси, айниқса, фермер ва хусусий тадбиркорлардан иборат 5 минг нафар партия фаолини кенг жалб этиш лозимлигини таъкидладилар.

Қўшма йиғилиш ҳақидаги ахборотга нуқта қўяр эканмиз, беихтиёр навбатдан ташқари сессияда кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликларнинг содир этилишига айрим депутатларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлмадимикан, деган савол туғилади. Тадбиркорлик субъектларидан 4 мингтаси фаолият кўрсатмаётганини мутасадди идоралар билан бирга сиёсий партиялардан сайланган турли бўғиндаги депутатлар, айниқса, хусусий бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDeP фаоллари илгари билмасмидилар? Нега унда ушбу масалага эътиборсизлик билан қаралди? Бундай ҳақли саволлар барчамизни бирдай сергаклантириши, лоқайдлик касалидан фориғ бўлиб, фаолликка чорлаши лозим. Акс ҳолда бундай сусткашлик кейинги фаолиятда ҳам бизга қимматга тушиши мумкин.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари Адҳам Шодмонов ва Фахриддин Зоировлар қатнашдилар.

### ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ: БОЛАЛАРДАН — БОЛАЛАРГА!

Наргиза ҚАҲҲОРОВА, «XXI asr» мухбири

Қорбобо ва Қорқиз, эртак қаҳрамонлари, совғалару ширинликларга бой Янги йил шодиёналари ҳақиқатан ҳам фарзандларимиз учун энг севимли кечалардан биридир. Бироқ ҳеч бир хурсандчилик ота-она меҳри, яқинлар дийдоридан устун келолмайди. Шу сабаб байрамларда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, беморлар ва ногиронлардан хабар олиш мурувватли халқимизнинг доимий анъанасига айланган. В. Успенский номидаги республика мусиқа академик лицейи қошидаги «Ўсмирлар симфоник оркестри ва ёш дирижёрлар» гуруҳи ижросидаги «Болалардан — болаларга!» деб номланган хайрия концерти ана шу эзгу фазилатларнинг фарзандларимиз қалбида ниш ураётганининг яққол ифодаси бўлди.

— Ушбу концерт кўнгли ярим болажонларга яхши кайфият улашиш билан бирга эндигина санъат соҳасига кириб келаётган истеъдод эгаларини эзгуликка етаклаши билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди лицей деректори Дилдора Жамолова.

Таъкидлаш жоиз: «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари кўмагида ташкил этилган хайрия концертидан тушган маблағ Республика болалар суяк сил касаллиги санаторийси, Гематология қон қуйиш илмий-текшириш институти клиникасининнинг болалар бўлимида даволанаётган кичкинтойлар учун муносиб совға бўлди.

## ҚУТЛОВ




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.

**ТАҲРИРИЯТ:** Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ
**МАТН ТЕРУВЧИ:** Нигора ЖЎРАЕВА

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ёшлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 825
**Тираж: 15 610**

Навбатчилар:
**О.РАЖАБОВ,**
**Ш.РАҲИМОВ.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

# Катта имтиҳон арафасидамиз

**O`ZLIDEPНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ 481 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ АЙНИ ПАЙТДА 11349 НАФАР ПАРТИЯ АЪЗОСИГА ЭГА. ВИЛОЯТДА КАТТА НУФУЗЛИ СИЁСИЙ КУЧ ВАКИЛЛАРИДАН 6 НАФАРИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, 110 НАФАРИ ЭСА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИДИР**



*Толибжон МАДУМАРОВ, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари*

Мана шундай салмоқли таркиб билан янги босқичдаги сиёсий ислоҳотлар жараёнида қизғин иштирок этаётган партия фаоллари 2010 йилда бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб, ўз электорати ишончини янада мустаҳкамлашга эришдилар.

Хусусан, 2010 йил Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги партия гуруҳи фаолиятида ўтган йиллардагига нисбатан анчайин самарали кечди. Жумладан, Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан иккита муҳим масала кун тартибига киритилди. Бошқа масалалар юзасидан ҳам партиянинг принципиал қарашлари депутатларимизнинг доимий диққат марказида бўлди. Айниқса, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг 2010 йил октябрь ойида бўлиб ўтган тўртинчи сессиясига гуруҳимиз ташаббуси билан киритилган қишлоқ хўжалиги тизимида инқирозга қарши чораларнинг бажарилиши танқидий руҳда ўрганиб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу асосда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида алоҳида ўрин тутадиган ирригация тизимларининг пудратчи ташкилотлар томонидан пухта реконструкция қилиниши фермерлар имзолаган шартномаларнинг тўлиқ бажарилишида катта аҳамиятга эга бўлди ва O`zLiDeP электоратининг салмоқли қисмини ташкил этган қишлоқ мулкдорлари фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Юртбошимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳақидаги маърузаси йўналишларидан келиб чиқиб эса Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги депутат ўз фаолиятида, авваламбор, партия электорати, ўзига ишонч билдирган, сайлаган фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши шарт. Акс ҳолда сайловчиларнинг унга бўлган ишончи сусаяди. Шу нуқтаи назардан қараганда, 2011 йилда асосий эътиборимиз ўрта қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги-янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш масаласига қаратилади. Шу мақсадда келгуси йилда бўлиб ўтадиган вилоят кенгаши сессиялари кун тартибига учта масала киритилиши режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили биз учун ҳам, электоратимиз учун ҳам катта имтиҳон бўлишини ҳозирданоқ ҳис этиб турибмиз.

# ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ



## Ғиждувон янгиланмоқда

**ПЕШКУ ТУМАНИДАГИ 65 ТА ОИЛА 2011 ЙИЛНИ ЯНГИ УЙЛАРДА КУТИБ ОЛАДИГАН БЎЛДИ**

Тумандаги Афшона ва Зандани аҳоли пунктларида эса 50 та турар жой биносининг калитлари ўз эгаларига топширилди. Бундай рақамлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Бухоро вилоятида замонавий лойиҳалар асосида янги уйлар қурилиши изчил давом эттирилаётганидан далолатдир.

Пешку туманининг «Чибоғони» ҚФЙ ҳудудидаги Ўғлон қишлоғида ҳам замонавий уйлар қурилишини олиб бораётган «Усмон Жамшид» МЧЖ бунёдкорлари 10 та икки қаватли ва 5 та бир қаватли уйлар қурилишини ниҳоясига етказмоқдалар.

Агар Ғиждувон туманидаги Гаждумак аҳоли пунктида 2009 йилда бир йўла 20 та намунавий уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида яна 15 та янги уй эгалари қувончига қувонч қўшилди. Гаждумакда қуриб битказилган турар жой биноларининг 5 таси 2 қаватли, 10 таси эса 1 қаватли бўлиб, пишиқ ғиштдан барпо этилган уйларда меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, алоҳида иссиқлик тизими, ҳаммом ва бошқа қулайликлар яратилган.

Давлат манзилли дастурига мувофиқ 2011 йилда биргина Ғиждувон тумани бўйича яна 100 та ана шундай замонавий турар жой биноларини қуриш кўзда тутилган.

# КИРОЙИ БАНК ШУНДАЙ БЎЛСА

Биз меҳнат қилаётган Муборак газни қайта ишлаш заводи «Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг Муборак филиали мижозларидан ҳисобланади. Ушбу молия муассасаси ўз мижозларига намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

**Қобилжон МЎМИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Муборак газни қайта ишлаш заводининг 10 сонли цех ишчиси**

Айни пайтда заводимизда 2700 нафар киши меҳнат қилаяпти. Ишчиларимиз ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятидан мамнундирлар. Сабаби — банк ходимлари мубораклик газчиларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, заводимиз ҳудудидаги мавжуд 6 та савдо шохобчасининг барчасига терминаллар ўрнатилган.

Бундан ташқари, банкнинг жамғарма кассаси ишлаб турибди. Бу эса ходимларимиз коммунал ва шунга ўхшаш тўловларни амалга оширишларида ортиқча оворагарчиликларга чек қўйди. Шунингдек, ойлик иш ҳақлари ўз вақтида ва тўлиқ олиниши таъминланган. Бу каби қулайликларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Демоқчиманки, замон билан ҳамиша ҳамнафас «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган шиорни ўз фаолиятининг устувор мақсади қилиб олган. Шу боис ушбу банкнинг мижозлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мижоз манфаатлари устун қўйилган жойда шундай бўлиши ҳам керак-да!











# «Камалак» ранглари жилоси

**МАЪРИФАТПАРВАР БОБОМИЗ АБДУЛЛА АВЛОНИЙ БУНДАН ЮЗ ЙИЛ МУҚАДДАМ «ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ, Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ, Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР», — ДЕГАН ЭДИ**

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА, «XXI asr» мухбири**

Илм-фан ва янги технологиялар тараққий этган бугунги кунда ҳам ана шу ақиданинг қиймати заррача пасаймаганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, инсон қалбига эзгулик уруғи болаликдан қадалса, меваси янада тотли бўлади, деган гап бор. Шу маънода ёш авлод шуурида Ватанга муҳаббат, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросга ҳурмат ва эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғулари, энг аввало, оилада ҳамда тарбия ўчоғи бўлган мактабларда ривожланади. Хўш, бу борада халқ таълими тизимидаги 9772 та муассасада таҳсил олаётган 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2,5 млн. нафардан ортиқ ўқувчини ўз атрофида бирлаштирган «Камалак» болалар ташкилоти ҳозир қандай вазифаларни бажармоқда-ю, қандай натижаларга эришмоқда?

— Маълумки, ташкилотнинг асосий негизи унинг умумтаълим мактаблари қошида ташкил этган тўгарак ва клублари саналади. Айни пайтда «Камалак» ўз эътиборини ўқувчиларни ана шу тўгаракларга жалб этишга қаратмоқда, — дейди ташкилот бош мутахассиси Мурод Зафаров. — Бугун тўгаракларимизда 1054427 нафар ўқувчи ўзи қизиққан йўналишдаги машғулотлар билан шуғулланаяпти. «Маънавият ва маърифат», «Соғлом авлод», «Ватанпарвар», «Меҳр-шафқат», «Олтин мерос», «Экосан» йўналишидаги қатор лойиҳаларимиздан кўзланган мақсад ҳам ёш авлод бугунги шиддаткор давр талабларидан келиб чиққан ҳолда фаол бўлишига кўмаклашишдир.

Шу ўринда Баркамол авлод йилида «Камалак» дастурининг ёшларга билим бериш, улар малака ва кўникма ҳосил қилишларига кўмаклашувчи ўнлаб лойиҳалари қаторига янги, сермазмун лойиҳалар қўшилганини таъкидлаш мумкин. Хусусан, жорий йилдаги ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири — «Сардорлар мактаби»га 83831 нафар синф сардори, 87849 нафар умумтаълим мактаби сардори, шунингдек, 1791 нафар маҳаллий, 126 нафар ҳудудий ва 9 нафар республика Сардорлар кенгаши аъзолари сайландилар.

Шу кеча-кундузда эса болалар ташкилоти аъзолигидаги янги таркиб уч ойлик ўқув машғулотларидан кейинги синов имтиҳонларини топширмоқда.

«Қишлоғим — қалб ардоғим», «Ёзни «Камалак» билан», «Камалак билимдонлари», «Қадрият, урф-одат ва ёшлар» каби ўнга яқин лойиҳаларимизда иштирок этиб ғолиб бўлган ўқувчи-ёшларимизга «Ғунча», «Гулхан» журналлари ва «Тонг юлдузи» газетасининг йиллик обунаси тақдим қилинди.

Қобилиятли болаларни излаб топиш, улар истеъдодини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш, ёш авлодда ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш, энг асосийси, жисмонан ва маънан соғлом авлоднинг шаклланишига ҳисса қўшишдек масъулиятли ва айни дамда шарафли вазифани сидқидилдан бажаришга бел боғлаган «камалак»чилар «Камолот» ЁИҲнинг навбатдаги қурултойига «Камалак» аъзолари ёшини яна бир ёшга ошириш тўғрисидаги таклиф билан иштирок этишларини таъкидламоқдалар. Агар шу таклиф қўллаб-қувватланса, унинг аъзолари 10 ёшдан 15 ёшгача, яъни умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларни тўлиқ қамраб олиш имкониятини беради.

— Ана шу таклиф амалиётга жорий этилса, «Камолот»да ҳам, «Камалак»да ҳам иш самарадорлиги ортиб, «Камолот» аъзолар сонининг баъзи ҳоллардаги сунъий ортиб кетиши каби камчиликларнинг олди олинган бўларди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Одина Расулова. — Чунки баъзи ҳолларда «Камолот» аъзолигига қабул қилинган ўқувчиларни коллеж, лицей ёки олий таълим муассасаларида қайта рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳолат ишимиз ривожига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, ёшларимизнинг етакчи ташкилотга бўлган ишончини ҳам сўндириши мумкин. «Камалак» аъзолари ёшини 15 гача қилиб белгилаш эса, аксинча, ёшларда «Камолот» аъзолигига лойиқ бўлиш ҳиссини кучайтиради.

Қисқа қилиб айтганда, Баркамол авлод йилида амалга оширилган барча лойиҳалар фарзандларимизнинг чуқур билим олишлари, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қиладиган йигит-қизлар бўлиб вояга етишларига қаратилди. Кириб келаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ҳам энг янги тарихимиздаги қатор йилларнинг мантиқий давоми сифатида келажак ворисларимизнинг орзуларига қанот бўлишига ишонамиз.

# ҚУЁН йили: кимни нималар кутаяпти?

**Шарқона тақвимларда башорат қилинишича, 2011 йил аввалги — ЙЎЛБАРС йилига нисбатан анча осойишта ва сокин руҳда, яъни оламшумул воқеалар ҳамда йирик фалокатларсиз ўтади. Янги — ҚУЁН йилида барча-барчамиз ён-атрофимизда содир бўлаётган вазиятни тўғри баҳолай олиш, хотиржам ҳолда яқин келажак учун режалар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўламиз. Ижод қилиш, ўзаро алоқаларни яхшилаш учун омадли келиши кутилаётган 2011 йилда ўз мақсадларига куч билан эмас, балки муроса, яъни дипломатик йўл билан эришишга ҳаракат қиладиган инсонлар улкан ғалабаларни қўлга киритадилар. Юлдузлар «таъкидлашича», серфарзандлик рамзи сифатида тилга олинадиган жонивор номи билан аталган янги йилда турмуш қурмаганлар никоҳдан ўтиш имкониятини қўлга киритадилар. Ёш оилалар фарзандли бўлиш, нисбатан каттароқ «стаж»га эга ота-оналар эса ўғил-қизлари бахтини кўрадилар.**

**СИЧҚОН (1936, 1948, 1960, 1972, 1984, 1996, 2008 йиллар).** 2010 йилда ҳаддан зиёд катта ўзгаришларни бошдан кечирган, ҳамиша шошсалар-да, кўп нарсага эриша олмаган, мажозий маънода ўзларини сиқилган лимондек ҳис қилган «СИЧҚОН»лар ЙЎЛБАРС йили тугагач, хурсандчиликдан бошлари осмонга етса, ажабмас. ҚУЁН йилида эса уларни, у даражада тезкор суръатда бўлмаса-да, бир маромдаги ривожланиш жараёнлари кутмоқда. Мазкур мучал остида туғилганлар 2011 йилнинг апрель, октябрь ва ноябрь ойларида иш жойларидаги мавқеларини оширишга эришсалар, январь, август ёки декабрда шахсий ҳаётларида ижобий ўзгаришларни амалга оширишга муваффақ бўладилар. Йил давомида бетакрор ижод намуналарини яратиш имкониятига эга бўлган «СИЧҚОН»ларга тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилиш тавсия этилади.

**СИГИР (1937, 1949, 1961, 1973, 1985, 1997, 2009).** Якунланган йилдан бироз кўнгиллари тўлмаган меҳнатсевар «СИГИР»лар 2011 йилда ўзларидаги барча истеъдоду қобилиятларини ишга солиш, февраль, март ва сентябрь ойларида мавқеларини яхшилаб олиш ҳамда иш жойларини ўзгартириш имкониятига эга бўладилар. Мучалнинг турмуш қурмаган, ёлғиз вакиллари, ниҳоят, июнь, июль ёки сентябрь ойларида ўз жуфти ҳалолларини топадилар. Март, август ва декабрь ойларида жамоат ишларида фаол иштирок этиши кутилаётган «СИГИР»ларга юлдузлар кўпроқ спорт билан шуғулланиш, хушҳаво масканларда дам олишни тавсия этмоқдалар.

**ЙЎЛБАРС (1938, 1950, 1962, 1974, 1986, 1998, 2010).** 2010 йилда деярли барча мақсадларга эришган «ЙЎЛБАРС»лар 2011 йилнинг июнидан октябрига қадар шахсий ҳаётларида ижобий ўзгаришларни амалга оширишлари, баҳор охирлари ёки август ва сентябрь ойларида дунёнинг энг гўзал масканларига саёҳат уюштиришлари кутилмоқда. Ўз навбатида, юлдузлар «башорат»ича, ЙЎЛБАРС мучали остида туғилган ишбилармонлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили мобайнида молиявий аҳволларини яхшилаб олиш, хусусан, бизнесдан оладиган даромадлари миқдорини икки-уч ҳисса ошириш имконига эга бўладилар.

**ҚУЁН (1939, 1951, 1963, 1975, 1987, 1999, 2011).** Ушбу мучал остида туғилганлар ўзларига тегишли бўлган 2011 йилда деярли барча соҳаларда муваффақиятга эришадилар. Бинобарин, 2010 йилда улар, қийинчилик билан бўлса-да, ушбу ютуқлар учун замин яратдилар. Оғир меҳнатлар натижаси октябрь-ноябрь ойларида кўринади. Зеро, айнан ана шу даврда «ҚУЁН»лар номзодининг юқори лавозимларга тавсия этилиши кутилмоқда. Катта масъулият талаб этадиган қарорларни қабул қилиш давомида бироз асабийлашган мучал вакилларига маълум вақт дам олиш ҳам тавсия этилади.

**БАЛИҚ (1940, 1952, 1964, 1976, 1988, 2000).** 2011 йилнинг «БАЛИҚ»лар учун аввалги йилдагига нисбатан хавфсизроқ ва хотиржамроқ келиши кутилмоқда. ЙЎЛБАРС йилида мотор сингари гувиллаб, ёниб ишлаган мазкур мучал вакиллари бироз тин олганлари маъқул. Апрель ёки май ойларида энг яқин дўстлари ёки яқинлари билан узоқ сафарга чиқиш имкониятини қўлга киритган «БАЛИҚ»лар июль, сентябрь ҳамда ноябрь ойларида бирмунча аввал ҳаётга татбиқ этган лойиҳаларидан орзиқиб кутилган даромадларни олишга муваффақ бўладилар.

**ИЛОН (1941, 1953, 1965, 1977, 1989, 2001).** Мазкур мучал вакиллари ЙЎЛБАРС йилининг биринчи ойини 2010 йилда том маънода остин-устин бўлиб кетган фаолиятларини тартибга солиш учун бағишласалар, ажабмас. Шундан сўнггина, аниқроғи, февраль ва март ойларидан кейин улар фаолиятида ўсиш кузатилади. Мучал вакилларининг аксарияти ёзда уйларини таъмирлаш билан банд бўлсалар, кузда ажойиб байрамларда қатнашиш имконига эга бўладилар. Юлдузлар барча «ИЛОН»ларни миш-мишлару фиску фасод гаплардан эҳтиёт бўлишга «чақиради». Акс ҳолда улар кўнгилсиз ҳолатларга тушиб қолишлари мумкин.

Давоми 12-саҳифада ►►


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ
O.K.U.F. F.T.U.U.
мамлакатимиз аҳолисини, юртимизнинг
хушманзара ва баҳаво ҳудудларидаги санаторийларда
аҳоли саломатлигини тиклашга ўз ҳиссасини
қўшаётган барча ишчи-хизматчиларни
Янги йил байрами
билан самимий муборакбод этади.
Ҳаммага сиҳат-саломатлик,
оилавий бахт, эзгу ниятларининг
рўёбга чиқишини тилайди.
Янги – 2011 йилда
Ватанимиз янада обод,
шон-шуҳрати бундан-да
юксалишига тилакдошмиз!
105К


«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ ЖАМОАСИ
2011 — Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йили
Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!
Ушбу қутлуғ кунда тилаган барча орзу-истакларингиз амалга ошсин!
Хонадонларингиз осойишта, дастурхонингиз ҳамиша тўкис бўлсин!
112/Н

## ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛГАН



Германия Федератив Республикаси бундестаги христиан демократик иттифоқининг Рейнланд-Пфальцдаги ҳудудий бўлинмасига сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун талабларини бузгани учун 1,2 миллион евро миқдорида жарима солди.

Маълум бўлишича, 2006 йилда Рейнланд-Пфальц лантагига ўтказилган сайловлар давомида давлат томонидан христиан демократик иттифоқининг парламентдаги фракцияси фаолияти учун ажратилган маблағлар мазкур партиянинг сайловолди кампаниясига сарфланган экан.

Христиан демократик иттифоқининг Рейнланд-Пфальцдаги ҳудудий бўлинмаси раиси Юлия Клекнер ушбу қонунбузарликни тан олиб, бундай хатти-ҳаракатлар бошқа такрорланмаслигига ваъда берган.

Кузатувчиларнинг фикрича, мазкур воқеа Рейнланд-Пфальц лантагига март ойида ўтказиладиган навбатдаги сайловларда христиан демократик иттифоқи имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## ИСТАК РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА



Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой давлатларидан иборат ривожланаётган давлатлар гуруҳи (БРИК) Жанубий Африка Республикасини ўз таркибига киритишни мўлжалламоқда. Хитой ташқи ишлар вазири Ян Цзечининг маълум қилишича, яқинда ЖАР ҳукуматига бу борада расмий таклиф юборилди.

Аслида бундан беш ой илгари ЖАР ҳукуматининг юқори мартабали мулозимлари ўз мамлакати мазкур гуруҳга қўшилиш истагида эканини маълум қилганди.

Яқин истиқболда кўпгина ривожланган давлатлардан ўзиб кетишни мақсад қилган Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой давлатлари 2001 йилдан эътиборан норасмий иттифоқни ташкил этиб, биргаликда мажлис ва маслаҳатлашувлар ўтказиб келмоқда.

## ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ИЛИНЖИ



Польша ҳукумати вакиллари Халқаро валюта жамғармасига мурожаат этиб, мазкур молиявий ташкилот томонидан мамлакатга ажратилган кредит ёрдами ҳажмини кенгайтиришни сўради.

Айни пайтда ҳукумат вакиллари жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмига кўрсатган салбий таъсири — давлат бюджети тақчиллиги билан боғлиқ муаммонинг ечимини изламоқдалар.

Маълумотларга кўра, ХВЖ 2009 йилда Польшага 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдорда кредит ажратишга розилик берган эди. Ушбу маблағ асосан мамлакат валюта захираларини кўпайтиришга мўлжалланган бўлиб, хорижий инвесторларнинг Польша иқтисодиётига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлашни ҳам кўзда тутади.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР



# Оппоқ қорнинг «қора» қилмишлари

### ЖАҲОН БАНКИ МУТАХАССИСЛАРИ XXI АСР ОХИРИГА БОРИБ АНОМАЛ ОБ-ҲАВО ВА ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН КЎРИЛАДИГАН ЗАРАР МИҚДОРИ 185 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ МУМКИНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

**Козим НАСИМОВ**

Таҳлилчиларнинг фикрича, 2009 йилнинг июнидан 2010 йилнинг июнига қадар юз берган 394 та табиий офат туфайли жаҳон иқтисодиётига 77,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар етказилган.

— Ҳаво ҳароратининг бу даража кескин пасайиши ва сурункали ёғингарчилик Европа, Шарқий Осиё ва Шимолий Америка учун одатий ҳолга айланиб қолмоқда, — дейди таниқли иқлимшунос олим Жеймс Оверленд.

Польшалик метеорологлар эса мазкур аномал ҳодисаларни илиқ оқим — гольфстримнинг тезлиги икки баробар секинлашгани билан изоҳламоқдалар. Уларнинг фикрича, Европада 2010-2011 йилги қиш охирги мингйилликдаги энг паст ҳароратли мавсум бўлиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ Шарқий Европада ўртача ҳарорат 3 даражагача, ғарбий томонларда эса 2-2,5 даражагача пасайиши ҳам юқоридаги фикрларни исботлаши мумкин.

Тарихга мурожаат қилсак, тадқиқотчиларнинг бундай хавотирли хулосалари бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Гап шундаки, еврохудуднинг қатор ўлкалари, жумладан, Чехия ва Польшада 2009 йил қишида мос равишда 17,3 ва 18 даража илиқ ҳаво кузатилган. Ҳаттоки Чехиянинг Ческе Будеёвице шаҳрида бу кўрсаткич 20,4 даражани кўрсатган. Аниқланишича, бундай ҳолат сўнгги маротаба 1929 йилда қайд этилган экан. Шундай бир пайтда эса Ер шарининг бошқа бир ҳудуди — Канаданинг Манитоба, Альберта ва Саскачеван провинцияларида симоб устунлари 30-46 даражагача тушиб кетгани аниқланган.

2010 йилнинг декабрига келиб Буюк Британиянинг айрим ҳудудларида қор қалинлиги 40 см.гача етди. Бу эса “Пенинсьюла” тадқиқот маркази маълумотларида аҳолининг 30 фоизи иш жойига етиб бормагани, 50 фоизи эса йўллардаги ноқулайликлар туфайли ўз манзилига кечикиб қолгани қайд этилди.

— Бу мамлакат иқтисодиётига зарар етказишдан ташқари, ходимларнинг иш унумдорлигига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда, — дейди мазкур ташкилот раҳбари Питер Доун.

Марказнинг бошқа бир мутахассиси Хелен Хилл эса Лондон шаҳри иқтисодиётига миллионлаб фунт стерлинг зарар етказилаётганини таъкидлайди. Лондондаги бундай кутилмаган ҳолат ҳукуматни Россия ва Мисрдан туз сотиб олишга мажбур эта бошлади.

Таҳлилчилар қаҳратон қиш ўз қаҳрини Прага, Любляна ва Вена шаҳарларига ҳам ўтказаётганини таъкидламоқдалар. Бельгияда 600 км.лик транспорт тирбандлиги вужудга келган. «Маяк» радиоси эса Шотландияда йўлда қолиб кетган кўплаб ҳайдовчилар яқин орадаги талабалар ётоқхоналарида тунашга мажбур бўлганларини маълум қилди.

Қаҳратон Европа мамлакатларидаги темир йўл тизими фаолиятига ҳам жиддий зарар етказгани қайд этилмоқда. Жумладан, Германиянинг Франкфурт шаҳридаги вокзалда 200 нафар йўловчи тунаб қолган бўлса, “Интерсити-экспресс”, “Интерсити” каби тезюрар поездлар Тюрингия ва Саксония ўлкасида ўз манзилига етиб кела олмагани тилга олинмоқда. Польшада темир йўл “томир”ларини тозалаш учун 3000 дан ортиқ ишчи жалб этилгани ҳам фойда бермади. Варшава шаҳрига 44 та поезд муддатидан анча кечикиб келган бўлса, Норвегия пойтахти — Ослодан мамлакатнинг жанубий ҳудудларига тортилган темир йўл фаолияти деярли тўхтаб қолган. Европани Буюк Британия билан боғловчи “Евростар” тизими тахминан 50 фоиз рейсни бекор қилган.

Кузатувчилар аэропортлардаги аҳволга ҳам ҳавас қилиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар. Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши ва сурункали ёғингарчилик туфайли Париж, Хельсинки, Лион, Монако, Вена, Женева, Лондон, Лидс, Саутгемтон, Эдинбург, Франкфурт, Мюнхен, Варшава аэропортларида қатор рейслар бекор қилинган. «Евроньюс» ахборот агентлиги автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари тизими фалажланган, дея хулоса чиқармоқда. Бир сўз билан айтганда, кўҳна қитъани забт этган об-ҳаво инжиқликлари транспорт-коммуникация ва логистика хизматига жиддий зарба бериб, мамлакатлар иқтисодиётига зарар етказган.

Энг ёмони эса Польша, Словакия, Франция, Скандинавия ўлкаларида электр энергияси, ичимли сув таъминотида жиддий узилишлар юзага келган. Польша полиция маҳкамаси матбуот котиби Мариуш Сокольскийнинг айтишича, ушбу мамлакатда декабрь ойининг дастлабки икки кунидагина 18 киши ҳаётдан кўз юмган. Бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида тиббиёт ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали очиқ ҳавода кўп қолиб кетмасликка чақирмоқдалар. Бундан ташқари, қитъадаги минглаб таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари вақтинча ёпилган.

Польша, Венгрия, Франция, Бельгия, Испания, Италия, Германия ва Нидерландияда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли камайгани аҳоли учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хабарингиз бор: жорий йилда Европанинг қатор минтақаларига баҳор кеч келди. Ёзнинг жазирама ва қурғоқчил ўтиши далалардаги ҳосилни камайтириб юборди. Ноябрь ойига келиб эса об-ҳаво кескин пасайди. Оқибатда қор билан қопланган далалардаги экинларнинг маълум қисми йиғилмай қолди. Шунга мос равишда нўхат, сабзи, ловия, исмалоқ, пиёз, гулкарам, қалампир, ширин маккажўхори захираси камайиб, улардан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлаш ҳажми 30 фоиз қисқарди. Польшада эса ноябрь-декабрь ойларида пиёз, қовоқ, карам, сабзи ва олма нархи кескин кўтарилди.

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, деганларидек, қаҳратон совуқ Шотландияда Culicoides impunctatus номли зараркунандаларнинг миллионлаб личинкаларини нобуд қилиб улгурган. Гап шундаки, ушбу чивинсимон ҳашарот чақишидан ҳар йили маҳаллий аҳоли ва минглаб сайёҳлар азият чекиб келади. Мутахассис Элисон Блэквеллнинг айтишича, бундан зада бўлган меҳмонлар шотландлар диёрига келишни хуш кўрмай қўйишган. Натижада мамлакат туристлик индустрияси 300 миллион фунт стерлинг даромаддан қуруқ қолиши аниқланган. “Энди совуқнинг ёрдами билан ушбу соҳа ўз ўрнини бироз мустаҳкамлаб олишига бўлган ишонч ортди” , — дейди у.

Бир сўз билан айтганда, кўҳна қитъа бугун том маънода оқликка бурканган. Аммо бундай оқликнинг «қора» қилмишлари кимга қанчага тушиши ҳозирча ҳеч кимга маълум эмас.

## ҚУТЛОВ




AGROBANK

**«АГРОБАНК» ОАТБ ЖАМОАСИ**

ўз акциядорлари, мижозлари,
барча ҳамюртларимизни кириб келган
ЯНГИ — 2011 ЙИЛ
билан сидқидилдан табриклайди.

Янги йилда сизга сиҳат-саломатлик,
тинчлик-осойишталик
ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

**Сизларга қуйидаги банк хизмати турларини таклиф этамиз:**

**Visa Card** — дунё бўйлаб молиявий эркинлик!

**Пул ўтказмалари** — тез, оддий ва ишончли!

**Юридик шахслар учун юқори фоизли депозит сертификатлар!**

**Депозит катакчалар** — қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!

**Пластик карточка** — замонавий ва ишончли тўлов воситаси!

**Пул омонатлари** — даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!

2011

ALOQABANK

*ОАТ «Алоқабанк» жамоаси барча юртдошларимизни, фидокорона меҳнат қилаётган акциядорларини, мижозлари ва ҳамкасбларини*

*Янги йил шодиёналари*

*билан самимий муборакбод этади.*

*Янги — 2011 йилда сизларга тинчлик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.*

**Банк ўз мижозларига қуйидаги янги хизматларни таклиф этади:**

**Юридик ва жисмоний шахслар учун**
**ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ**

**VISA Classic карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг.**

**ОАТ «Алоқабанк» VISA Classic карточкаси сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.**

**Шунингдек, банк аҳолига жозибадор омонатларни таклиф этади.**

Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+998 71) 252 78 82
www.aloqabank.uz
info@aloqabank.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

**«АСАКА» БАНК (ОАЖ) ЖАМОАСИ**

ASAKA BANK

барча мижозларини,
акциядорларини, ҳамкорларини
ва юртдошларимизни

**2011 — ЯНГИ ЙИЛ**

билан табриклайди!

2011 —
Кичик бизнес
ва хусусий
тадбиркорлик
йили

Янги йил сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга файз-барака,
юртимизга хотиржамлик
ва фаровонлик олиб
келишини тилаб қолади.




## 2011 ЙИЛ — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

**Январь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

**Февраль**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | | | | | | |

**Март**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

**Апрель**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | |

**Май**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

**Июнь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | | | |

**Июль**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

**Август**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

**Сентябрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | | |

**Октябрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

**Ноябрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | | | | |

**Декабрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

*Янги йил барчангизга қутлуғ келсин!*
*Хонадонларингизга шоду хуррамлик, файз-барака олиб кирсин!*

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
## ЖАМОАСИ

*барча фуқароларимизни,
юртимиз иқтисодий
салоҳиятини юксалтириш
йўлида фидокорона
меҳнат қилаётган
ҳамкасбларимизни*



## *Янги йил байрами*

*билан қизгин табриклайди.*




*Янги йилда барча эзгу
ниятларингиз рўёбга чиқсин,
азиз ватандошлар!*


ФАРҒОНА НЕФТНИ
ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизни
Янги йил айёми
билан муборакбод этади.
Кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорлик
йилида олдимизга қўйган
эзгу мақсадларимиз
ва юксак марраларга
етишда куч-қувват,
қатъий ишонч тилаймиз.
Озод ва обод юртимизни
бахт-саодат ҳеч қачон тарк этмасин!
114/Н

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада ◄◄

**ОТ (1930, 1942, 1954, 1966, 1978,1990, 2002).** Ушбу мучал остида туғилганлар 2011 йил мобайнида барча танишлару нотанишлар диққат-эътиборини қозонишга, жуда қисқа давр ичида шуҳрат чўққисини забт этишга муваффақ бўладилар. Энг муҳими, улар ишлаб топган маблағларини янги мақсадларга йўналтира олишлари лозим. Саёҳат қилишни ёқтирадиган «ОТ»лар севимли машғулотларига баҳор ёки куз ойларида қўл урганлари маъқул. Мучалнинг сўққабошу ёлғизхонлари март, сентябрь ва октябрь ойларида иккинчи яримларини топишлари кутилмоқда.

**ҚЎЙ (1931, 1943, 1955, 1967, 1979, 1991, 2003).** Доимо келажакка ишонч билан қарашга ҳаракат қиладиган мучал вакиллари 2011 йилда касб-корларини ўзгартириш, янги танишлар орттириш, февраль, август ва сентябрь ойларида қалбларига яқин инсон билан бирга сайру саёҳатга чиқиш, ўз навбатида, йил давомида катта харидларни амалга оширган ҳолда ён-атрофдагиларни лол қолдиришга муваффақ бўладилар. Шундай бўлса-да, юлдузлар «ҚЎЙ»лар 2011 йилда кўпроқ дам олишлари зарурлигини тавсия этмоқдалар. Акс ҳолда уларнинг асаб ёки иммун тизимлари ишдан чиқиши мумкин.

**МАЙМУН (1932,1944, 1956, 1968, 1980, 1992, 2004).** Доимо ҳаракатчанлиги билан ажралиб турувчи бу мучал вакиллари 2010 йилдагидек 2011 йилда ҳам белгиланган режаларни ортиғи билан бажарадилар. Февраль, сентябрь ва ноябрь ойларида иш жойларидаги мавқеларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга «МАЙМУН»лар йил давомида ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишга ҳам эришадилар. Ўз навбатида, мазкур мучал остида туғилганлар ён-атрофдагиларга ҳаётдан завқ олиб яшаш қандай бўлишини кўрсатиб қўядилар.

## ҚУЁН ЙИЛИ: КИМНИ НИМАЛАР КУТАЯПТИ?



**ТОВУҚ (1933, 1945, 1957, 1969, 1981, 1993, 2005).** ЙЎЛБАРС йилидан эсон-омон чиқиб олган «ТОВУҚ»лар ҚУЁН йилида ортиқча ғалваларсиз меҳнат қиладилар. Тақвимларда башорат қилинишича, «ТОВУҚ» мучалида туғилганлар айнан 2011 йилда раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён этган ҳолда 2012 йилда жуда катта фойда келтирадиган лойиҳаларга замин яратадилар. Янги йилда «ТОВУҚ»лардан яқинлари билан муомала қилиш жараёнида эҳтиёткорлик талаб этилади. Акс ҳолда қариндошлар орасига совуқчилик тушиб қолиши мумкин.

**ИТ (1934, 1946, 1958, 1970, 1982, 1994, 2006).** Бошқалардан ҳаддан ташқари содиқлигию меҳнатсеварлиги билан ажралиб турувчи «ИТ» мучали остида туғилганлар 2011 йилда деярли барча соҳаларда ютуқларга эришадилар. Жумладан, ёлғиз «ИТ»лар айнан шу йилда ўз жуфти ҳалолларини топишлари, апрель, июнь ёки декабрь ойларида эса молиявий имкониятларини бирмунча яхшилашлари кутилмоқда. Шу ўринда юлдузлар мазкур мучал вакилларига янги йил давомида қимматбаҳо буюмларини хавфсиз жойда сақлашни, ҳужжатларни тўлдириш жараёнларида эҳтиёткорроқ бўлишни маслаҳат бераётирлар. Дарвоқе, ЙЎЛБАРС йилида «ИТ»лар, ниҳоят, соғлиқларини тиклаш, тиббий муолажаларни қабул қилиш, оромгоҳларда мириқиб дам олиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

**ТЎНҒИЗ (1935,1947, 1959, 1971, 1983, 1995, 2007).** Ўз вақтларини дўстлар даврасида ўтказишни ёқтирадиган «ТЎНҒИЗ»лар ҚУЁН йилида шахсий ҳаётларини ижобий томонга ўзгартиришлари, кўп меҳнат қилган ҳолда муносиб тақдирланишлари кутилмоқда. Иш жойларини ўзгартирмоқчи бўлганлар бу борадаги ҳаракатларни март, апрель ёки сентябрь ойларида амалга оширганлари маъқул. 2011 йил «ТЎНҒИЗ»лар учун омадли келса-да, юлдузлар уларга икки қуён орқасидан югурмасликни, аксинча, битта ишни пухта бажарганларидан сўнггина иккинчисига қўл уришни «тавсия» қилмоқдалар.

## ЯНГИ МАВСУМДАГИ ЯНГИ МАҚСАДЛАР

**Кураш халқаро ассоциациясининг (IKA) пойтахтимиздаги қароргоҳида йил якунлари ҳамда галдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда 2010 йил ассоциация учун муҳим воқеаларга бой бўлгани, жумладан, Греция, Буюк Британия, Франция, Ҳиндистон, ЖАР, Туркия, Исроил, Бразилия каби мамлакатларда кўплаб халқаро мусобақалар ташкил этилгани таъкидланди.

Ўз навбатида, якунланган йилда мамлакатимизга Sport/Accord (GAISF) халқаро спорт федерациялари бош ассоциацияси президенти, Халқаро Олимпия қўмитаси фахрий аъзоси Хейн Вербрюггеннинг ташриф буюргани, Кураш халқаро ассоциацияси жаҳон Антидопинг агентлиги — WADAга аъзо бўлгани, ўзбек кураши Бутунафрика ҳамда Осиё ўйинлари мусобақалари дастурига киритилгани эътироф этилди.

Тадбир сўнгида IKA 2011 йилда ҳам ўз олдига катта мақсадларни қўйгани, хусусан, янги мавсумда катталар ўртасида жаҳон чемпионати (ЖАР), Ат Термизий халқаро хотира-турнири каби 20 дан ортиқ мусобақаларнинг ташкил этилиши, Кураш халқаро ассоциациясининг Олимпия ўйинлари «эшигини очиб берувчи» Sport/Accord таркибига кириш масаласи ҳал этилиши айтиб ўтилди.

## «ҚАТАР-2011»ГА БОРАДИГАНЛАР МАЪЛУМ

**Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов 7-29 январь кунлари Қатарда ўтказиладиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган футболчилар рўйхатини эълон қилди.**

Мазкур таркибга «Бунёдкор» клубининг олти (И.Нестеров, С.Жўраев, А.Исмоилов, В.Карпенко, Т.Кападзе, А.Ҳайдаров) нафар вакили киритилган бўлса, «Пахтакор»нинг тўрт (Т.Жўраев, С.Андреев, О.Аҳмедов, А.Гейнрих), «Насаф» (М.Зуҳуров ва Ш.Саломов) ва «Олмалиқ»нинг (Ш.Муллажонов ва Ф.Нурлибоев) икки, «Қизилқум» (О.Навкаров) ҳамда «Шўртан»нинг (Я.Крушильницкий) бир нафардан аъзоси жалб этилган. Булардан ташқари, бош мураббий А.Ибрагимов («Богемианс», Чехия), Ж.Ҳасанов («Леҳвия», Қатар), С.Жепаров («Сеул», Ж.Корея), М.Шацких («Арсенал», Украина), шунингдек, Россия клубларида тўп сурувчи легионерларимиз — С.Турсунов («Волга»), В.Галиулин («Сибирь») ҳамда М.Бикмаев («Алания») хизматидан фойдаланишни мақсад қилган.

Эслатиб ўтиш жоиз: эртага сўнгги назорат ўйини — иорданияликлар билан ўртоқлик учрашувини ўтказадиган ҳамюртларимиз 7 январь куни «Қатар-2011» мусобақасини очиб берадиган баҳсда мезбонларга қарши майдонга тушадилар. Гуруҳнинг қолган икки учрашувида йигитларимиз Қувайт ва Хитой терма жамоалари футболчиларига рўбарў бўладилар.



# Ғалабаларимиз йилномаси

**2010 ЙИЛДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ВА ТАЪЛИМ ОЛИШИ УЧУН ЖАМИ 143 ТА ИНШООТ БУНЁД ЭТИЛГАН БЎЛСА, КИЧИК БИСНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА ЖАМҒАРМА ЎЗ ОЛДИГА АНА ШУНДАЙ ОБЪЕКТЛАР СОНИНИ ЯНА 206 ТАГА КЎПАЙТИРИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН**

Якунланган йил мамлакатимиз спортида туб бурилиш йили бўлди, десак, адашмаймиз. Зеро, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жисмоний тарбия, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўз навбатида, кўплаб спортчиларимиз жаҳон ареналарида ажойиб натижаларни қайд этиб, хорижий мутахассислар эътиборини қозондилар.

Жумладан, БСРЖ томонидан тасдиқланган манзилий дастурга биноан Баркамол авлод йилида болажонларимиз учун 71 та спорт иншооти, 26 та сув ҳавзаси ҳамда 46 та мусиқа ва санъат мактаблари — жами 143 та объект барпо этилиб (қайта таъмирланиб), ушбу мақсадларга қарийб 97 млрд. сўм йўналтирилди. Уларни меъёрий талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналар билан тўлиқ таъминлашга 3,2 млрд. сўм сарфланган бўлса, аввалги йилларда қурилган иншоотлар самарадорлигини ошириш учун 7,5 млрд. сўм ажратилди. Бундан ташқари, 2010 йил учун ажратилган маблағнинг 3,5 млрд. сўмига 120 минг дона спорт кийими комплекти харид қилиниб, ўзига хос кўринишдаги ана шу совғалар жамғарманинг минтақавий филиаллари орқали кам таъминланган оилалар фарзандларига топширилди.

Шу ўринда жамғарма томонидан мамлакатимизда кўплаб спорт тадбирларининг ташкил этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, 2010 йил давомида республика миқёсида ўтказилган 75 та мусобақа ва 11 та ўқув-машғулот йиғинларида салкам 15 минг нафар (шундан 7300 дан ортиғи қизлар) ўқувчи иштирок этган бўлса, минтақавий филиаллар томонидан ташкил этилган 3374 та (шундан 2326 таси қишлоқ ҳудудларида бўлиб ўтган) тадбирга 943 минг нафардан зиёд (шундан 381 минг нафари қизлар) ёш спортчи жалб этилди.

Бундан ташқари, БСРЖнинг алоқадор вазирлик ва идоралар билан фаол ҳамкорлик қилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари, Касаба уюшмалари федерацияси билан бирга мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчи-ёшлар ўртасида «Соғломжон», «Қувноқ стартлар», «Олимпиада умидлари», «BABY Cup», «Маҳалламиз полвонлари», «Камолот маликаси», «Футболимиз келажаги» сингари мусобақа ва фестиваллар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда иштирок этаёган таниқли спортчилар халқаро мусобақаларда орттирган тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ука-сингиллари учун маҳорат сабоқларини ўтказиб, уларнинг қалбидаги иштиёқни янада кучайтиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Табиийки, бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермай қолмайди. Сўзимиз исботи сифатида жорий йил давомида 553 нафар ёш спортчига (шундан 202 нафари қизлар) жамғарма маблағлари ҳисобидан элликка яқин халқаро мусобақада иштирок этиш имконияти яратиб берилгани, уларда ўзбекистонлик ўғил-қизлар томонидан жами 155 та (82 та олтин, 41 та кумуш ва 32 та бронза) медаль қўлга киритилганини айтиб ўтиш мумкин. Жумладан, Сингапурда ўтказилган ўсмирлар олимпиадасида қатнашган терма жамоамизнинг 9 нафар аъзоси шоҳсупага кўтарилиб, 3 та кумуш ва 6 та бронза медаль билан тақдирланди.

Юртимиз спортида эришилган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, якунланган йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё чемпионатида ажойиб натижа қайд этган ҳолда Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон кубоги йўлланмасига эга бўлгани, Равшан Эрматовнинг қаторасига учинчи маротаба қитъанинг энг яхши ҳаками деб топилгани, Аргентинада ампутант-ногиронлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамизнинг бош совринни қўлга киритгани, Вадим Меньковнинг кетма-кет иккинчи марта жаҳоннинг энг яхши каноэчиси сифатида эътироф этилганига алоҳида урғу бериш керак, албатта.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти маълумотларига кўра, 2009-2010 ўқув йилида ушбу олий таълим муассасасига қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича жами 201 та талаба қабул қилинган бўлса, 2010-2011 йилда ушбу кўрсаткич 266 тага етказилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда хорижий давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар иштирокида халқаро семинарлар ташкил этилгач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланувчилар сони бир йилда 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди. Ўз навбатида, 2010 йил Москвада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида гимнастикачи қизлардан иборат терма жамоамиз «Лондон-2012» лицензияси ўйналадиган «Япония-2011» мусобақаси йўлланмасини қўлга киритган бўлсалар, Гуанчжоуда ўтказилган XVI Осиё ўйинларида ўзбекистонлик бадиий гимнастикачилар мусобақа тарихида илк бора фахрли иккинчи ўринни эгаллашга эришдилар.

Дарвоқе, Хитойда ташкил этилган қитъа ўйинларида муносиб иштирок этган терма жамоамиз аъзолари нафақат Осиё, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган спортчилар билан тенгма-тенг олишганлари, қўлга киритилган 56 та (11 та олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза) медаль билан умумжамоа ҳисобда саккизинчи ўринни эгаллагани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш бўйича мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилиб, спортчиларимиз бирин-кетин шоҳсупаларни эгаллаётган бўлсалар-да, Юртбошимиз таъкидлаганидек, эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Зеро, фақат тинимсиз ҳаракатлар натижасидагина эзгу орзулар, истиқболли мақсадларга эришиш мумкин.

## ЯНГИЛИК

## АСАКАДА ЭНДИ «GSVEM» ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

2010 йил август ойида «Spark» тақдимотини ўтказган «GM Uzbekistan» ЁАЖ 2013 йилдан заводда янги — «GSVEM» русумли автомобилни ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Avtorambler.ru сайтидан хабар қилинишича, 136 миллион АҚШ доллари миқдордаги қийматга баҳоланган мазкур лойиҳа Асакадаги қўшма корхона томонидан 2011 йилда ҳаётга татбиқ этила бошланади. Маълумотларга кўра, седан кўринишидаги «GSVEM» йилига 100 минг донадан ишлаб чиқарилади ва ушбу автомобилларнинг тенг ярми хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

